

# Хусусий сектор — фаровонлик омили

**O`ZLIDEP СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ**

Фарҳод ТОШБОЕВ

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сурхондарё минтақавий таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ўрта синф — мулкдорлар қатламини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралаётганини алоҳида таъкидлашди.

Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши эса O`zLiDePга икки карра масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам партиянинг жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тадбиркор ва фермерларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш чораларини белгилаш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ташаббускор партия электорати вакилларининг хусусий бизнес билан шуғулланиши учун ҳар тарафлама кўмаклашиш борасидаги ишларини кучайтириш зарур.

Тадбирда таъкидланганидек, айни кунда вилоятда 24 минг 585 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Соҳада 153 минг 200 киши иш билан банд. Барча манбалар ҳисобидан 113 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди. Натижада ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эвазига 60 минг 210 та иш ўрни яратилди. Хусусий секторда замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган янги корхоналарнинг барпо этилаётгани хом ашёни қайта ишлаб, сифатли маҳсулот тайёрлаш ва вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

— O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг III мажлисидан сўнг зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ англадик, — деди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Гулнора Холмаматова. — Жорий йилдаги фаолиятимизни хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб, оилавий бизнеснинг самарадорлигини оширишга қаратмоқчимиз.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерларни янада самаралироқ ишлашга даъват этади. Мазкур жараёнда O`zLiDeP уларнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган фаолиятини янада мустаҳкамлашга интилади. Бу борада ибратли ишларга қўл ураётган тадбиркор ва фермерларнинг тажрибасини омма ўртасида тарғиб қилишга ҳаракат қилади.

— Хўжалигимиз негизида ташкил этилган замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш корхонамизда ўтган йили 300 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди O`zLiDeP Қумқўрғон туман кенгаши раиси, "Чорвадор" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Шарапов. — 22 тонна гўшт ишлаб чиқариб, аҳолига етказиб бердик. Янги йилда эса хусусий секторга кўрсатилаётган эътибор ва имтиёзлардан фойдаланиб, хўжалигимизнинг янги тармоқларини ташкил этишни режалаштираяпмиз. Жумладан, бу йил олти гектар майдонда Туркия технологияси асосида пакана олма боғлари яратаяпмиз. Бунинг учун хорижлик ҳамкорларимиз яқинда ана шу турдаги меванинг сифатли кўчатларини етказиб беради. Эрта ҳосилга кирадиган янги боғ аҳолининг арзон, сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, вилоятнинг тегишли идора ва ташкилотлари мутасаддилари, тадбиркор ва фермерлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Қонун такомиллаштирилиши шарт

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Ўз мухбиримиз

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этган тадбирда Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси томонидан ўтган йилда жами 7605 нусха Импорт карантин рухсатномаси берилди, хорижий давлатлардан юртимизга олиб келинган 3910,9 минг тонна карантин остидаги юклар назоратдан ўтказилгани таъкидланди.

— Ўтган йили мамлакатимиздан хорижга экспорт қилинган карантин остидаги юклар 1 миллион 851,6 минг тоннадан иборат бўлди, — деди Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси бошлиғи Шуҳрат Қўзибоев. — Бундан ташқари, 3 миллион 507,7 минг дона турли хил мевали, манзарали кўчатлар ва қаламчалар экспорт қилинди. Шунингдек, хорижга экспорт қилинган 206,2 минг турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва 30 миллион 945 минг дона мевали ҳамда манзарали кўчат зарарсизлантирилди.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизда инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган мазкур тизимнинг фаолият кўрсатиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. 1995 йилда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида»ги низомларнинг қабул қилиниши соҳани янада ривожлантириш имконини берди.

— Кун тартибидаги масала мамлакатимиз иқтисодиёти, айниқса, аграр соҳа учун ниҳоятда долзарб ҳисобланади, — деди Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев. — Қўмитамиз аъзолари томонидан ўтказилган таҳлиллар амалдаги қонунчиликнинг айрим нормаларини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Масалан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин», деб қайд этилган 19-моддаси ва 23-моддаси талабларидан келиб чиқиб, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунни «Асосий тушунчалар» деб номланган алоҳида модда билан тўлдириш лозим. Шунингдек, ундаги «карантин», «ўсимликлар карантини», «карантин остидаги», «ўсимлик касалликлари», «қишлоқ хўжалик экинлари» ва «доривор, ўрмон ҳамда манзарали экинлар ва «нематодлар» каби тушунча ҳамда ибораларга таъриф бериш лозим.

Давра суҳбатида «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунни янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунда белгиланган нормаларнинг тегишли вазирлик, қўмита ва муассасалар, вилоят ҳокимликлари томонидан ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб боришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

# Туризм иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ 4 МИНГДАН ОРТИҚ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЮНЕСКО УМУМЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАНИ ЎЗБЕКИСТОННИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЭНГ ЮҚОРИ БЎЛГАН ДАВЛАТЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНТИРДИ**



**Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Биргина Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби Шарқ дурдоналари борки, улар сайёҳларни жалб этиш имкониятларини тобора кенгайтирмоқдалар. 1995 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилаётган «Ипак йўли бўйлаб туризм» деб номланувчи Тошкент халқаро туристик ярмаркаси эса юртимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи яна бир самарали воситага айланди, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос келувчи туризм соҳасини шакллантириш, уни бошқаришни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида Юртбошимиз Фармони асосида 1992 йилда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ташкил қилиниши соҳанинг ҳар томонлама тараққий этишига замин яратди. Бу ўз навбатида қисқа давр мобайнида соҳада янги тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлишига олиб келди. Умумий ҳисобда 1993-2010 йилларда соҳани такомиллаштириш ва бу йўналишда замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган 4 та фармон ва 17 та қарор қабул қилинди. Ўзбекистон 1993 йилдан буён Бутунжаҳон туристик ташкилотининг аъзоси ҳамдир. Дунёнинг 24 мамлакати билан бир қаторда юртимиз БТТнинг «Буюк Ипак йўли» дастурида иштирок этмоқда. Хорижий давлатлар билан тузилган 45 та ҳукуматлараро битим ҳам туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилгандир. «Ўзбектуризм» МК ва чет эл туристик ташкилотлари ўртасида эса 48 та идоралараро битим ва 17 та агентлик келишуви имзоланган бўлиб, уларнинг ижроси туфайли туризмнинг янги йўналишлари шакллантирилди, замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар қайта тикланди. 1999 йилда туристик фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган «Туризм тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Соҳа фаолияти тартибга солиниб, лицензиялаш тизими жорий этилди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда туризм соҳасининг ихтисослашувига кенг йўл очди. Агар 1993 йилда бор-йўғи 4 та туристик ташкилот фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтда туризм хизматларининг нодавлат секторида 738 та фирма, шу жумладан, умумий сиғими 12,8 минг жойдан иборат бўлган 241 та меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Соҳадан олинган даромад ўтган йили 3,1 миллиард сўмдан ортди.

Бироқ олиб борилаётган ана шундай амалий ишларга қарамай, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Биринчи навбатда юртимизга келувчи сайёҳларга транспорт хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, айниқса, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг рақобатбардошлигини кескин ошириш зарур. Мамлакатимиз халқаро аэропортларида божхона ва чегарадан ўтиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича мақсадли чораларни амалга ошириш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли йўналиши бўйича жойлашган туристик объектлари ўртасидаги автомобиль қатнови сифатини янада ошириш мақсадида йўналишлар бўйича автомобиль трассаларини барпо этиш, мотель, кемпинг, дам олиш мажмуалари ва туристик сервиснинг бошқа объектларини қуриш ҳам сайёҳларни жалб этишда асосий омиллардан ҳисобланади. Шунингдек, туристик хизматлар кўрсатиш даражасини халқаро меъёрлар талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича олиб борилаётган амалий ишларни янада жонлантириш зарур. Аввваламбор, бу меҳмонхона сервиси даражаси ва сифатига тааллуқлидир. Шунингдек, соҳа ривожини ҳуқуқий муҳофаза этувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этаяпти. Масалан, «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг амалга оширилишини таъминловчи механизмларни белгиловчи қоиуности ҳужжатларининг баъзилари шу пайтга қадар қабул қилинмаган. Бу эса қонун ижросини тўлиқ таъминлашга имкон бермаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти ва Марказий Осиё минтақасидаги етакчи мавқеи соҳани миллий иқтисодиётимизнинг таянч кучига айлантириш имконини беради. Мазкур йўналишнинг ҳар томонлама тараққий этиши эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ошишига ва айни пайтда янги иш ўринлари яратилишига замин яратади.

# Тинчлик ва барқарорлик кафолати

**БУГУН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНАЁТГАН ДАМЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ, САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН МАРД ВА ЖАСУР ЁШЛАРИМИЗ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ**



**Одилжон АШИРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

Жумладан, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий жиҳозланган шинам ва қулай турар жойлар билан таъминлаш йўлидаги ғамхўрлик туфайли Ватан ҳимоячиларининг турмуш даражаси юксалиб, оилавий шароити тобора яхшиланиб бормоқда. Ана шундай шарт-шароитга эга бўлган кўплаб зобитлар ва аскарлар оилалари орасида Шарқий ҳарбий округга қарашли қисмдаги бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ҳам баҳраманд бўлдилар. Улар янги — 2011 йил арафасида замонавий шарт-шароитга эга, ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирадиган янги хонадонларнинг калитларини тантанали равишда ва оталарча ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбариятига чуқур миннатдорлик туйғусига тўлиб-тошган ҳолда қабул қилиб олдилар.

Шу ўринда Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган минг-минглаб ориятли, ғурурли, садоқатли ва азму шижоатли ёш йигитларимизнинг буюк аждодлардан ибрат олган ҳолда уларга муносиб бўлишдек юксак даражадаги орзу-интилишлари юқори эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун биз Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш арафасида турган эканмиз, буюк аждодимиз бундан олти аср аввал «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни» деб айтган пурҳикмат ўгитини ҳозирги авлод ҳамиша ёдда сақлаётганини ҳам эътироф этишимиз лозим.

Бугунги кунда армиямизнинг кучига куч қўшадиган энг муҳим қудратли воситалардан бири ҳарбийларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчни адо этаётганини чуқур англаши ва тушунишига эришиш мақсадида маънавий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот ишларини фаол олиб боришимиз зарур.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини бажариш ҳамда барча соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг фаоллигини яққол кўриш мумкин. Жумладан, ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги турли тадбирларнинг ўтказилиши уларни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, қалбида юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиянинг «Ёшлар қаноти» томонидан «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзуида ижтимоий-сиёсий билимлар куни, «Ватан — менинг тақдиримда» расмлар танлови, ҳарбий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ватанимиз мудофаа қудратини янада юксалтиришни ўзининг муқаддас бурчи деб билган ёшлар бор экан, юртимиз тинч, ҳаётимиз осойишта бўлади, халқимиз фаровон ҳаёт кечираверади.

# САМАРҚАНД СЕНДВИЧ ПАНЕЛЛАРИГА ҚЎЛ УРДИ

Мухаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири

**«СамРосХолод» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида қурилишда бутунлай янги ашё бўлган сендвич панеллари, пенопласт ва хўжалик учун зарур бўлган пластмасса идишлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга корхонанинг ўз маҳсулотидан бунёд этилган 5 минг тонналик камерада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асл ҳолича сақлаш ҳам мумкин.**

**— Ўтган 2010 йил ютуқларга бой бўлди, — дейди «СамРосХолод» қўшма корхонаси директори Акбар Шаропов. — Буюртмаларимиз миқдори ошди. Биргина Навоий вилоятидаги эркин индустриал зонада сендвич панеллари асосида 4 та, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида озиқ-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари тайёрловчи 4 та завод бунёд этилди. Қолаверса, хўжаликбоп пластмасса яшикларимиз тури кўпайди. Ҳозир 50 килогача бўлган маҳсулотларни ташишга қулай ана шундай яшикларга асосан колбаса цехлари, товуқ фабрикалари, сутни қайта ишловчи корхоналар ва нон комбинатларидан буюртмалар тушмоқда.**

**Ўтган йил охирларида мутахассислар ёрдамида иккита янги линия ўрнатдик. Тез кунларда ишга туширилиши режалаштирилаётган бу ускуналар ёрдамида Марказий Осиёда ягона технология асосида цемент сендвич панеллари ишлаб чиқара бошлаймиз.**

**Ҳозир корхонада 160 нафарга яқин иш ўрни яратилган бўлса, янги ускуна ишга туширилиб, цемент сендвич панеллари ишлаб чиқарила бошлангач, яна 30 нафар киши иш билан таъминланади.**

# *Аёллар Андижонда учрашди*

**O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ III МАЖЛИСИДА ЮРТБОШИМИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН ЭДИ**

Наргиза ҚАҲҲОРОВА

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгашидаги «Аёллар қаноти» томонидан ўтказилган давра суҳбатида ҳам ана шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирда, шунингдек, хотин-қизларга тегишли тавсиялар бериш, аёлларнинг соҳага оид кўникмаларини шакллантириш, тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар ва уларни қўллаш амалиётини кенг тарғиб қилиш «Аёллар қаноти»нинг энг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ибодат Юлдашеванинг фикрича, Сиёсий Кенгашнинг III мажлисида партиянинг аёллар масалалари бўйича бўлимлари фаолиятини кучайтиришга бежиз эътибор қаратилмади. Чунки Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида партия айнан ана шу бўлимлар фаолиятига суянади. Мазкур жараёнда эса қуруқ тадбирбозликдан воз кечиб, чекка ҳудудлардаги хотин-қизларни амалий ишларга жалб этиш талаб этилади.

Анжуманда таъкидланганидек, жорий йил O`zLiDeP учун ҳақиқий синов йили бўлади. Негаки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш партиянинг дастурий мақсадларидан бўлиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолияти эса асосан «Аёллар қаноти» орқали амалга оширилади.

— Белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда аввало жойларда фаолият олиб бораётган аёллар бўлимлари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида жонлантириш лозим, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аёллар билан ишлаш бўлими етакчи консультанти Феруза Машарипова. — Юртбошимиз маърузаларида таъкидланганидек, чекка қишлоқ ҳудудларидаги тадбиркор ва фермер опа-сингилларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишда «Аёллар қаноти» томонидан мазкур субъектларнинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф қилишда O`zLiDePнинг парламентдаги фракцияси билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозим.

Давра суҳбатида муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



# Парламент Қашқадарёни эшитди

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБИНИНГ ВИЛОЯТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ИЖРО ЭТИЛИШИ» ЮЗАСИДАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИНИ ЎТКАЗДИ**

**Қахрамон САЙДАЛИЕВ, «XXI asr» мухбири**

Фракция аъзоларининг таъкидлашларича, ушбу ташаббус Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «2010 ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури»га киритилган бўлиб, парламент эшитувидан кўзда тутилган мақсад жойларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермерлик фаолиятини ўрганиш орқали қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Фракция аъзоси Қобилжон Тошматовнинг фикрича, бу тадбир ҳам 2011 йилнинг биринчи чораги режасига киритилаётган «Кичик бизнес тўғрисида»ги қонунни тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, Қашқадарё вилоятида кичик бизнес субъектларининг бугунги ҳолатини ўрганиш янги қонун лойиҳаси нормаларининг шаффофлиги ва ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Мухтор Ҳайитмуродов воҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий сони 73446 тани ташкил этиб, уларнинг 94 фоизи амалда фаолият кўрсатаётганини таъкидлади. Соҳанинг вилоят ялпи ички маҳсулотдаги улуши 57,2 фоизни ташкил этаётгани эса ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатаяпти.

2010 йилнинг ўн ойида соҳани ривожлантиришга 137 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани ҳам ўрта қатлам вакиллари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш имконини берди. Шунингдек, солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш ва бўш маблағларни мақсадли ишлатиш юзасидан тизимли назорат ўрнатилгани учун ҳам солиқ имтиёзига эга бўлган 1314 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилган солиқ имтиёзлари туфайли 9203,1 миллион сўм миқдоридаги маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолдирилди.

Аммо шунга қарамай қўмита ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган назорат-таҳлил натижалари ҳудудда соҳа фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди. Хусусан, микромолиявий хизматларга муҳтож аҳолининг эҳтиёжи етарли даражада қондирилмаяпти. Қўмита ишчи гуруҳи аъзоси Насимжон Алимовнинг қайд этишича, бугунги кунда вилоятда фақатгина 3 та кредит уюшмаси, 3 та микрокредит ташкилоти ва 2 та ломбард фаолият юритмоқда, холос. Бу туман ва шаҳарлар миқёсида олинганда жуда камдир. Бундан ташқари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар корпусининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммоларни сессиялар кун тартибига олиб чиқмаётгани ҳам камчиликларни бартараф этиш жараёнини секинлаштирмоқда. Шунингдек, вилоятдаги айрим давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувлари, ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналардаги электр энергияси ва газ таъминотининг огоҳлантиришларсиз узиб қўйилиши каби ҳолатлар ҳам кичик бизнес субъектлари фаолиятига салбий таъсир этаётир.

Йиғилишда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тўғри, Қашқадарёда Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан 1854 нафар тадбиркор қайта ўқитилган. Вилоят ҳокимлиги ҳузурида 668 маротаба «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилиб, тадбиркорлар мурожаатларининг қарийб 90 фоизи ижобий ҳал қилинган. Бироқ ўтказилган таҳлиллар ҳудуддаги ўрта синф вакилларининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслигини ҳам кўрсатди. Масалан, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаролар ҳали соҳа қонунчилиги, ундаги тартиб-тамойиллар ҳақида етарли билимга эга эмаслар.

Тадбирда, шунингдек, хусусий сектор фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликнинг айрим нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳам тилга олинди. Айниқса, Юртбошимиз томонидан яратилган Концепция қонун лойиҳаларини тайёрлашда депутатлар, хусусан, O`zLiDeP фракцияси аъзолари зиммасига қатор вазифаларни қўяди. Шу маънода «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш, бунда тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни қонун билан чеклашга асосий эътибор қаратилиши керак.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг қарори қабул қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Ўзбек автомобилсозлигининг ишончли одимлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ, «XXI asr» мухбири**

Ана шундай корхоналардан бири «Idas elektroniks sistem» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган радиоплеерлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ўтказилган танловда «Йилнинг энг яхши маҳсулоти» номинациясида ғолиб деб топилди.

Бу 2007 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Ўзбек-Сингапур қўшма корхонасида кейинги йилларда ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилганидан далолатдир. Мутахассисларнинг фикрича, ўтган йилнинг июль ойида штамповка цехининг реконструкциядан чиқарилгани, бунинг учун эса 251 миллион сўм маблағ сарфлангани, сентябрь ойида эса яна 302 миллион сўм миқдоридаги қўшимча дастгоҳлар ва хом ашё сотиб олингани ана шундай самара берди. Натижада Малайзиянинг «Blue Metall» фирмаси мутахассислари ёрдамида CD/MP3 плеерларининг металл қисмларини шу ернинг ўзида тайёрлаш имкони туғилди.

— Биз айни пайтда «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Матиз» автомобилларига CD/MP3 плеерлари ва рақамли соатлар тайёрлаб бераяпмиз, — дейди қўшма корхона бош директори Авазбек Юсупов. — Янги йилдан бошлаб эса Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «Isuzu» автобусларига USB русумидаги плеерларни етказиб бера бошладик. Унинг дизайни Малайзиянинг «Ecar Disign» компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Шунингдек, жорий йилда «Lacetti» автомобиллари учун ҳам плеерлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Энг асосийси, бугун корхонадаги юзлаб андижонлик ёшлар радиотехника қурилишининг мураккаб жараёнларини амалга ошираяптилар. Ишловчиларнинг ўртача ёши 25 да. Махсус коржомалари қадди-қоматига ярашиб турган йигитларнинг чаққон ҳаракатларини кузатар эканман, уларнинг кўпчилиги Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон мустақил давлат, дея эълон қилинган тарихий кунда 4-5 яшар болакайлар эканини кўз олдимга келтириб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Асакада илк бор ишлаб чиқарилган «Тико», «Дамас» автомобиллари шаҳримиз кўчаларида қатнай бошлаганида ҳам ана шу болакайлар ҳаммалан кўпроқ қувонган бўлсалар, ажаб эмас. Мамлакатимиз жаҳон автомобилсозлигида муносиб ўрин эгаллай бошлаган айни кунларда эса бевосита уларнинг ўзлари энг замонавий автомобилларни ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишаётгани мустақиллик биз учун нечоғли қадрли, эъзозли неъмат эканлигини амалда намоён этиб турибди.

— Мен қўшма корхона ташкил этилганидан буён ишлайман, — дейди ишлаб чиқариш линияси устаси Бобур Абдурашидов. — Компьютер технологиялари коллежини тамомлагач, шу ерга ишга келдим. Малайзиянинг Пинанг шаҳрида малака ошириб қайтдим, ўзбек автомобилларининг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлашга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Авваллари радиоплеерлар хориждан келтирилар эди. Энди эса Бобур каби йигитларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар импорт ўрнини босиб, катта миқдордаги валютани тежаш имконини бермоқда.



## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛАЁТГАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МУЛОҚОТДА ИШТИРОК ЭТИНГ

**Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси жорий йилда ўрта қатлам вакилларини қизиқтираётган масалалар хусусида мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойнинг охирги жума куни 19.00 да тўғридан-тўғри мулоқот уюштиришга қарор қилди.**

**Қадрли тадбиркор ва ишбилармон юртдошлар!**

**Сиз қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса ходимларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган айрим муаммолар бўйича мурожаат қилиш имконига эга бўласиз!**

**ЯНВАРЬ**



**«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА МИКРОКРЕДИТЛАР»**

Улуғбек МУСТАФОЕВ,
Марказий банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

**ФЕВРАЛЬ**



**«O`ZLIDEP ЯНГИ ЙИЛДА ҚАНДАЙ ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАМОҚДА?»**

Бахтиёр ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O`zLiDeP фракцияси раҳбари

**МАРТ**



**«МЕДИАБИЗНЕС: БОЗОР ШАРОИТИДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

**АПРЕЛЬ**



**«ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЎРТА ҚАТЛАМ РИВОЖИНИНГ КАФОЛАТИДИР»**

Бахтиёр ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси

**МАЙ**



**«КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ»**

Алишер ШАЙХОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси

**ИЮНЬ**



**«ЭРКИН ТАДБИРКОР — ЭРКИН ЖАМИЯТ БУНЁДКОРИ»**

Қиёмиддин НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти раиси

*Тўғри, юқорида номлари қайд этилган мутасадди идоралар вакиллари, таниқли иқтисодчилар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасидаги вазифалар қанчалар масъулиятли эканини яхши биламиз.*
*Аммо, умид қиламизки, улар таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига доир ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.*
*Қўшимча маълумот учун телефонлар: 281-42-08, 281-40-17, 215-63-80.*
*Электрон почта: axborotXXIasr@yahoo.com*

# Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигининг мустаҳкам кафолати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄
**Жамшид НИЁЗОВ, журналист**

Ана шундай эзгу анъаналардан бири бу Мустақиллик ҳамда Ватан ҳимоячилари куни арафасида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликлар бўйича юқори натижаларга эришаётган, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар йўллашдир.



Истиқлолимизнинг 19 йиллик тўйи Чилонзор туманидаги Қурбоновлар оиласи учун қўшалоқ байрамга айланди. Қутлуғ айём арафасида улар номига Мудофаа вазирлигидан ташаккурнома келди. Миллий армиямиз сафида муддатли ҳарбий хизматни адо этаётган, илғорлиги ва шижоати билан сафдошларига ўрнак бўлаётган ўғиллари Мақсуд Қурбонов туфайли улар ана шундай юксак ҳурматга сазовор бўлди.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови ҳам Ватан ҳимоячиларининг юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этаяпти. Профессионалликка эришишни мақсад қилган ҳарбий хизматчи борки, ушбу нуфузли танловда қатнашишни орзу қилади.

Сержант Фарҳод Мирзараҳимов кетма-кет икки бор ана шундай нуфузли танловнинг «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича ғолиби бўлди. Ушбу муваффақияти сабаб у Сержантлар тайёрлаш мактабига имтиёзли равишда қабул қилинди. Таҳсилни ҳам юксак натижалар билан якунлади. Айни пайтда кичик командир сифатида профессионал фаолиятини юксак даражада адо этмоқда. Қўл остидаги аскарларнинг касбий тайёргарлиги ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, гуруҳида ўзига хос анъаналарни жорий этишда аскарларга ўрнак бўлаяпти. Бу эса армиямизнинг том маънодаги профессионал ҳарбий хизматчилар — Ватан манфаати, юрт тинчлигини асрашга қодир бўлган янги авлод билан таъминланишига хизмат қилмоқда.

Соҳадагиислоҳотлар ҳақида сўз кетганда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилаётган эътиборга алоҳида тўхталиш жоиз, албатта. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва улар оила-аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини бермоқда. Бу борада ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастури, ҳарбийларга тиббий, курорт-санаторий хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар режаси шулар жумласидандир. Энг муҳими, кўрсатилаётган рағбат ва ғамхўрлик туфайли ҳарбий хизматчилар танлаган касбидан фахр, Ватан равнақи, осойишталиги йўлидаги мардонавор хизматидан қониқиш ҳиссини туймоқдалар.

Яқинда Шарқий округ қисм ва бўлинмаларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калити топширилди. Янги йилни янги уйда нишонлаганлар орасида кичик сержант Нормат Кимсанбоев ҳам бор эди.

— Бундай юксак эътибор бизни Ватанга янада садоқат билан хизмат қилишга ундайди, — дейди у. — Чунки билдирилган ишончни оқлаш ва олдимизга қўйилган янги-янги марраларни забт этишда кўнгил хотиржамлиги асосий омилдир.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, барча соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар бевосита Қуролли Кучларимиз тинчлигимизнинг ишончли қалқони, Истиқлолимизнинг мустаҳкам кафолатига айланганлиги билан боғлиқдир.



# Ватан байроғини ўпган йигитлар

**БИР ЙИЛ АВВАЛ — 2010 ЙИЛНИНГ 12 ЯНВАРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ШАРАФИГА БУНЁД ЭТИЛГАН «ВАТАНГА ҚАСАМЁД» ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТГАН ЭДИ**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қад ростлаган ушбу қадамжо қисқа вақт ичида нафақат Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаб турган ҳарбийлар, балки кўпни кўрган нуронийлар, яқин келажакда она-юрт олдидаги бурчини адо этишни мақсад қилган ўқувчи ва талабалар, умуман, мамлакатимиз тинчлиги, осойишталигига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимизнинг севимли масканига ҳам айланди.

Мажмуанинг очилиш маросимида Юртбошимиз она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини хаёлдан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон Қуролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, энг катта бойлигига айланишини эътироф этган эдилар.

Назаримизда, чуқур маънога эга бу композициядаги Она сиймоси қўлларини дуога очган ҳолда дилбандининг ўз бағрига қайтишини сўраяпти.

Барча замонларда шаън ва ор-номус, эрку истиқлол рамзи бўлган байроқни ўпаётган ҳарбий йигит эса она юртини бир томчи қони қолгунича асрашга онт ичмоқда. Зеро, шундагина нигоҳида қатъият уфуриб турган ўғлон унга нон тишлатиб, хизматга кузатган онаси бағрига бошини юқори кўтарган ҳолда қайтади.

*Шукр, сиз урушга кетганингиз йўқ,*
*Шукр, сиз тинчликнинг аскарларисиз.*
*Дуо қилаётган юртга бир қаранг,*
*Сиз унинг тожисиз, гавҳарларисиз.*

*Энди ғурур билан боқар оталар,*
*Юрак гулханидан кўздаги ўтлар.*
*Энди фарқ қилади оддий йигитдан*
*Ватан байроғини ўпган йигитлар.*

# Мард ўғлонлар эъзозда мудом

**БИЗ ҲАР ТОНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТ БАҒРИДА УЙҒОНИБ, ИШГА, ЎҚИШГА ЁКИ БОШҚА БИРОР ЗАРУР ЮМУШ БИЛАН КЕРАКЛИ ЖОЙГА ОТЛАНАМИЗ.ОҚШОМЛАРИМИЗ ҲАМ ОИЛАМИЗДА АНА ШУНДАЙ ОСУДАЛИКДА ЎТАДИ. БУНДА ЖАСУР ВА ФИДОЙИ АСКАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁСДИР. ШУ БОИСДАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛГАН ЙИГИТЛАРИМИЗГА МУАЙЯН ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАЁТГАНИ АЙНИ МУДДАО БЎЛМОКДА**

Хусусан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ҳарбий хизматни ўтаб, олий ўқув юртига қабул қилинган 9628 нафар талабага 2008-2009 ўқув йили учун шартнома тўловининг 35 фоизи «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши томонидан тўлаб берилди. 2009-2010 ўқув йилида эса республика бўйича 15 минг нафарга яқин талаба ана шундай имтиёздан фойдаланди.



*Шавкат ЗАЙНИДДИНОВ — Тошкент автомобиль ва йўллар институти магистранти:*

— «Камолот» ЁИҲ томонидан тўрт йилдан буён шартнома тўловининг 35 фоизи ёрдам тариқасида тўлаб келинади. Кўрсатилаётган ёрдам ва кўмакдан жуда миннатдорман. Айни пайтда ушбу ғамхўрликка жавобан яхши мутахассис бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қилаяпман. Ватан олдидаги бурчимни худди ҳарбий хизматдаги каби масъулият ва ишонч билан адо этишни ўзимнинг фарзандлик бурчим деб биламан.



*Азиз БАҲОДИРОВ — 1-сонли Республика тиббиёт коллежи 3-курс талабаси:*

— Ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир. Юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун етарлича имконият, шароит яратилган. Биз ундан ўз пайтида унумли фойдалана билишимиз ва унинг самарасини эл-юртга қайтармоғимиз керак. Мақсадим коллежни тамомлагач, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишдир.



*Наргис АЗАМАТОВА — Тошкент Маданият институти магистранти:*

Ҳарбий хизматчилар азалдан юрт таянчи, посбони бўлиб келишган. Шу боис уларни тинчлигимиз ва осойишталигимиз посбонлари сифатида эъзозлаймиз. Жасур, мард йигитларимиз, акаларимиз бор экан, юртимиздан ҳамиша осойишталик, хонадонларимиздан файз-барака аримайди.

*Шуҳрат РАҲИМОВ ёзиб олди.*

## КУРСАНТЛАР ЗИЁРАТИ

**Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири**

Мардлар байрами — Ватан ҳимоячилари куни арафасида мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг автомобиль мактаблари курсантлари “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументини зиёрат қилди.

Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида ташкил этилган «Бухоро маданий маркази»да қад ростлаган мазкур ёдгорлик бой тарихга эга халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини акс эттиради, инсон бу ҳаётда ўз ўрнини топиши, хайрли амаллари билан юртни улуғлаши лозимлиги ҳақидаги теран фикрларни ифодалайди. Ёшлар “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимига қарашли Хотира музейида ҳам бўлди. Курсантлар Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган бухоролик жангчиларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжат ва экспонатлар, шунингдек, юртдошларимизнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати муҳрланган кўплаб фотосуратлар билан танишдилар.

# «Асака» банкдан ўрганиш керак

**МАНА, БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, КОРХОНАМИЗ «АСАКА» БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАЯПТИ**

Ўтган давр мобайнида мазкур молия муассасаси тадбиркорларнинг ҳақиқий молиявий таянчи эканига амин бўлдик. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, банк ўз мижозлари учун қулай имкониятлар яратиш баробарида ҳар икки томон манфаатлари учун бирдек масъул эканини ҳам амалда намоён этмоқда.

Хусусан, корхонамизга банкнинг 1 млрд. 571 млн. сўмлик лизинги ҳисобига паррандачиликни ривожлантиришга, технологик линияни эса замонавий ускуналар билан янгилаб, иш фаолиятимизни янада кенгайтиришга эришдик. Натижада ишчиларимиз сони 50 нафарга кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса банк билан ҳамкорлигимиз янада кенгаяди, деган умидламан. Банкимизнинг меҳнатсевар, фидойи ва хушмуомала ходимларига эса жамоамиз номидан миннатдорлик билдираман.

*Б.ҲОШИМОВ,*
*«VIRTEX AGRO» қўшма корхонаси бош директори.*

## ЛОМБАРДЛАРДАН КЎПРОҚ ЭКАН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матбуот хизматидан хабар қилинишича, 2011 йил бошида Келес шаҳрида (Тошкент вилояти) рўйхатга олинган «Toshkent Faravon-Kredit» ҳамда Фарғона шаҳрида иш бошлайдиган «UNI Capital Invest» кредит уюшмаларига ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилган.

Иккита ломбард — «Ideal Kredit» (Зангиота тумани) ва «Lobar Kredit» (Сергели тумани) масъулияти чекланган жамиятлари эса фуқароларнинг кўчар мулкини гаровга олиш эвазига кредит ажратиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Шу тариқа мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи кредит уюшмалари сони 116 тага, ломбардлар эса 58 тага етди.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.

**ТАҲРИРИЯТ:** Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ
**МАТН ТЕРУВЧИ:** Нигора ЖЎРАЕВА
**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ёшлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 896
**Тираж: 16 578**

Навбатчилар:
**Т.МИРҲОДИЕВ,**
**М.РЎЗИЕВ.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

# Лоқайдлик қимматга тушмасмикан?

**ЁКИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОҚОЛТИН ТУМАНИ МУТАСАДДИЛАРИ ВА САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЛОҚАЙДЛИГИ ТУФАЙЛИ ЎРТА СИНФ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЁТГАНИ ХУСУСИДА**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ, Шуҳрат РАҲИМОВ**
**«XXI asr» мухбирлари**

Сирдарё мамлакатимизнинг йирик ҳудудларидан бўлиб, вилоятда истиқлол йилларида иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида ибратли натижаларга эришилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилиб, замонавий инфратузилмалар яратилаяпти. Бир пайтлар фақат хом ашё етиштириш билан чекланган вилоятда айни пайтда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тобора яхшиланаяпти. Тумандаги энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бормоқда.

Вилоят маркази — Гулистон эса таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янгиер, Ширин шаҳарлари, Сайҳунобод, Сирдарё ва Боёвут туманларида бўлган кишининг шаҳарлардагидан қолишмайдиган шароитни кўриб, баҳри-дили очилади.

51 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган Оқолтин тумани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган етакчи ҳудудлардан бири саналади. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалиётга татбиқ этилиши туман аҳолиси, тадбиркор ва фермерлар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, тумандаги 267 та фермер хўжалиги 2010 йилни фойда билан якунлади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 2009 йиллагига нисбатан 30 фоиз ошди.

Туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳайитбой Фармоновнинг таъкидлашича, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган эътибор туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Масалан, кейинги беш йилда 4 та спорт мажмуаси, 2 та мактаб, 1 та касб-ҳунар коллежи янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йили эса Туғруқ комплекси қайта реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. 8 та қишлоқ врачлик пунктининг моддий-техник базаси яхшиланди. 2010 йилда аҳолини тоза ичимли сув ва табиий газ билан таъминлашга қаратилган тадбирлар натижасида аҳолининг қарийб 85 фоизи ичимли сув ва табиий газдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўрта синф — мулкдорлар қатламини шакллантиришга бежиз эътибор қаратилмаганини бугун ҳаётнинг ўзи тўлиқ асослаб берди. Иқтисодиётнинг турли бўғинларида фаолият кўрсатаётган 400 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг айни кунга келиб ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоизни ташкил қилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам ўрта қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсади мужассамдир.

Аммо шунга қарамай, Оқолтин туманида мазкур йўналишдаги ишлар бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди. Бу эса ҳудуддаги ўрта қатлам вакилларининг имкониятлар даражасида фаолият олиб боришларига сунъий тўсиқлар яратмоқда. Ўтган 2010 йилда туманда бирорта қўшма корхона тугул янги ишлаб чиқариш объектининг ишга туширилмагани ҳам соҳага айрим мутасадди идоралар томонидан панжа орасидан қаралаётганини кўрсатади.

Ушбу мақола саҳифаланаётган пайтда Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Жамшид Икромовдан вилоят иқтисодиётига оид айрим рақамларни олдик. У кишининг таъкидлашича, айни пайтда вилоятда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 43 та бўлиб, уларнинг 38 таси фаолият юритмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 48,1 фоиз бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 48,4 фоизни ташкил этган. Аммо Ж.Икромов 2010 йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган 6082 та кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик субъектларида қанча иш ўрни яратилгани тўғрисидаги маълумотлар бошқа бир мутахассисда эканини айтиб, бу ҳақда маълумот беролмаслигини билдирди. Жамшид Икромов, шунингдек, Оқолтин туманидаги юқоридагидай ҳолатни ҳам изоҳлай олмаслигини таъкидлади.

Мамлакатимизда иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда вилоят ва туман миқёсидаги айрим мутасаддиларнинг ушбу муҳим ишга етарлича эътибор қаратмаётганлари 2010 йилда давлат дастури доирасида режалаштирилган 3189 та иш ўрни яратиш вазифаси тўлиқ бажарилмаганида ҳам кўриниб турибди. Туман, ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Соҳибжон Қаюмов ҳисоботларда ўтган йили 3040 та иш ўрни яратилганини таъкидлаган бўлса-да, уларни мисоллар билан асослаб беролмади. Тўғри, туманда ўтган йили жами 254 та тадбиркорлик субъекти иш бошлаган бўлиб, шунинг 141 таси юридик шахс, 113 таси жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларидир. Мавжуд хусусий сектор вакилларининг 38 таси эса айни кунда ўз фаолиятини тўхтатган.

Тумандаги айрим фермерларнинг бугунги аҳволи ҳам қониқарли даражада эмас. 37 минг 250 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган туман фермерлари йил сайин суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаётгани ва шўрланишнинг кучайиб бораётгани ҳосилдорликни тушириб юбораётганини таъкидламоқдалар. Табиий ресурслар орасида миллий бойлик саналган ердан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилиб, ер деградациясининг олдини олиш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан миллиард сўмлаб маблағ ажратилади. Ўтган йили тумандаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 3,2 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилган. Аммо...

Афсуски, давлат дастурлари ва қонунлар ижросига масъул бўлган халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлар ва улар мансуб бўлган сиёсий партияларнинг туманда олиб бораётган ишлари ҳам бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди. Хусусан, мазкур ҳудуддаги 30 та депутатлик ўрнининг 14 тасини банд этган, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига жавобгар Халқ демократик партияси вакилларининг «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилидаги фаолиятини ҳам изоҳлаш қийин. Наҳотки туман аҳолисининг қарийб ярмидан кўпини, яъни 27 минг нафарини аёллар, 17100 нафарини ёшлар ташкил этаётган бир пайтда сайловлар даврида сайловчиларга минг битта ваъдалар бериб, депутатлик мақомини қўлга киритган депутатлар эътиборсизликка йўл қўяётган бўлсалар. «Оқолтин овози» газетаси бош муҳаррири Абдурашид Пардаев таъкидлаганидек, нафақат ХДП, балки бошқа партиялар вакиллари ҳам мазкур масалада бирор тайинли ишларга қўл урмаяптилар.

Туман кенгашига O`zLiDePдан 9 нафар депутат сайланганига қарамасдан, партия фаоллари электоратни ўйлантираётган бирон-бир масалани сессия кун тартибига олиб чиқмаганини қандай изоҳлаш мумкин? 2010 йилда халқ депутатлари туман кенгашида 2 маротаба сессия ўтказилган бўлса-да, уларда депутатлар томонидан ижтимоий-иқтисодий дастурларни бажариш билан боғлиқ бирорта аниқ масала кун тартибига киритилмаганини фақат лоқайдлик, эътиборсизлик деб аташ мумкинмикан?

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч нуқтасига айланиб улгурган ўрта синф вакиллари фаолияти хусусида сўз борганида Юртбошимизнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги «Бу дунёда ҳар қайси инсон бахтли бўлишни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Халқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз — раҳбар ва фаолларнинг нафақат вазифамиз, айни вақтда муқаддас бурчимиздир» деган гаплари яна ёдимизга тушади.

Оқолтин тумани ҳокими вазифасини бажараётган раҳбар тумандаги тадбиркорлар сони қанчалигини айтиб беролмаса, вилоят Статистика идораси мутасаддиси вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қанча янги иш ўрни яратилгани ҳақидаги маълумотга эга бўлмаса, бу вилоятда ҳар доим ҳам бир ёқадан бош чиқарилмаётганини англатмайдими?

Ҳайитбой Фармоновнинг 2010 йилда ишлаб чиқаришга 311 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари берилгани тўғрисидаги маълумоти ҳам туманда бу соҳага етарлича эътибор қаратилмаганидан далолатдир. Ҳ.Фармонов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорлик субъектлари томонидан 343 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилаётганига эътибор қаратди. Аммо бу рақам ҳам 2011 йилда яратилиши режалаштирилаётган 3814 та иш ўрнининг 10 фоизини ҳам ташкил этмаётгани Оқолтинда бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини англатади, албатта.

Мақолага нуқта қуяр эканмиз, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригидаги: «Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга оширилаётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз, азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман», деган фикрлари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳар бир юртдошимиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Буни Оқолтин тумани мутасаддилари ҳам унутмасалар, айни муддао бўларди.

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЙЎЛЛАГАН ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИДАГИ: «КЕЛГУСИ ЙИЛДА МЕН БАРЧАМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИМИЗНИ ШУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРИМИЗНИНГ САМАРАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ УЧУН ҲАР ҚАЙСИМИЗ ЎЗ ЖОЙИМИЗДА БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШДА ДЕБ БИЛАМАН ВА СИЗ, АЗИЗЛАРНИНГ БАРЧАНГИЗНИ ШУНГА ДАЪВАТ ЭТАМАН», ДЕГАН ФИКРЛАРИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ ЗИММАСИГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ. БУНИ ОҚОЛТИН ТУМАНИ МУТАСАДДИЛАРИ ҲАМ УНУТМАСАЛАР, АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ.**



# Ёшларга кўпроқ ишонч билдиринг

**МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ЎРТА-МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРДА 2010 ЙИЛДА ЖАМИ 649 МАРОТАБА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРДА 165,2 МИНГ НАФАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛМОҚДА**

**Акбар МУЗАФФАРОВ**

Соҳа мутахассисларининг фикрича, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни бизнесга жалб этишда муҳим ўрин тутган ана шу тадбирларда 74,3 минг нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Президентимизнинг "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш тўғрисида"ги Фармони юзасидан эса 19,5 мингта кичик корхонадаги ходимлар сони 20 фоиз ошган. Бу яна 45,1 мингта яқин битирувчи ёшлар доимий иш билан таъминланди, деганидир.

Биргина Андижон вилоятида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 9,8 минг нафар ёшлар иш билан таъминланганлар. Энг асосийси, бу иш ўринлари асосан кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, касаначилик, оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобидан яратилган. Бу борада Пахтаобод, Булоқбоши, Балиқчи ва Олтинкўл туманларидаги тажрибалар ўрнак сифатида тилга олинмоқда.

Вазирлик томонидан амалга оширилган хайрли тадбирлардан яна бири меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 100,6 мингта янги иш ўрни яратилганидир. Агар жорий йилда квота иш ўринларига 88,7 минг нафар шахс ишга жойлаштирилган бўлса, уларнинг 46,2 мингини айнан касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этди.

Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: "Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик", — деган эдилар. Бу сўзлар ҳам ушбу вазифаларнинг кенг қамровга эга эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар изчил давом эттирилишидан ҳам далолат беради. Бу эса барча соҳа вакиллари қатори юртимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлод учун ўз истеъдоди ва куч-ғайратини намоён этадиган йил бўлишини ҳам англатади.

## 327 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЛОЙИҲА МАЪҚУЛЛАНДИ

Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани тадбиркорларни янада изланишга, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга ундамоқда. 2002 йилдан буён темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, ҳар йили маҳсулот турларини кўпайтириб келаётирмиз. Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари, янгидан-янги замонавий шинам уй-жойлар қурилиши авж олгани туфайли корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис яқинда янги технология олиб келиш ҳақидаги режамизни «Ипотекабанк»нинг Самарқанд вилоят филиалига маълум қилдик. Банк маъмурияти 327 миллион сўмлик лойиҳамизни маъқуллаб, кредит ажратишга қарор қилди. Мазкур технологиялар ўрнатилса, яна 10 та янги иш ўрни яратилади. Келгусида ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириб, кўплаб иш ўринлари очиш ниятидамиз.

*Суҳроб УСМОНОВ,*
*«JBI MONOLIT» МЧЖ раҳбари.*

ҚУТЛОВ

«МАКСАМ-ЧИРЧИҚ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
юртимиз кимё саноатида меҳнат қилаётган барча ишчи-хизматчиларни ва халқимизни
янги – 2011 йил ҳамда Ватан ҳимоячилари куни
билан самимий муборакбод этади.

Юртимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада юксалишини тилайди. Ватандошларимизни йил давомида байрамона кайфият тарк этмасин! «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган жорий йил омадли ва муваффақиятли келсин!






Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
## ЖАМОАСИ



14 январь –
Ватан
ҳимоячилари куни



билан халқимизни ва мамлакатимиз мудофаа
қудратини оширишга
ўз ҳиссасини қўшаётган
зобит ва аскарларимизни
самимий табриклайди.



Уларга ҳамиша
кўтаринки руҳ ва
омад ёр бўлсин!

**Доимо соғ-омон
бўлинг, азиз ватан
ҳимоячилари!**

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
## мажмуаси жамоаси



Ўзбекистон Республикасининг
барча фуқароларини, юртимиз
тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги
посбонлари ҳисобланмиш ҳарбий хизматчиларни

14 январь –
Ватан ҳимоячилари куни

билан самимий муборакбод этади.



Уларга мустаҳкам соғлиқ-
саломатлик, оилаларига осойишталик
ва файз-барака тилайди.

FNQIZ











# *Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси*

мамлакатимизнинг барча фуқароларини, юртимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган зобит ва аскарларни

*Ватан ҳимоячилари куни*

билан самимий муборакбод этади.

**14 январь**

Ушбу қутлуғ кун муносабати билан ҳаммага соғлиқ-саломатлик, хуш кайфият ва муваффақият тилайди.

**ҲАР ДОИМ ОСМОНИМИЗ ТИНЧ ВА МУСАФФО БЎЛСИН!**

117/Н

# ЯНГИЛИКЛАР

## «ҚАЛДИРҒОЧЛАР» ПЕТЕРБУРГГА УЧИБ КЕТДИЛАР

15 январь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари кубогига старт берилади.

Унда юртимиз шарафини миллий чемпионатимиз ғолиби — «Бунёдкор» жамоаси ҳимоя қилади. «В» гуруҳидан ўрин олган «қалдирғочлар» чорак финалга чиқиш учун «Тоболь» (Қозоғистон), «Сконто» (Латвия) ҳамда «Мика» (Арманистон) жамоалари билан ўзаро баҳс олиб борадилар.

Эътиборли томони шундаки, анъанавий турнирнинг очилиш маросимига ФИФА президенти Йозеф Блаттер ҳамда УЕФА раҳбари Мишель Платинининг ташриф буюриши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоиз: Миржалол Қосимов мураббийлигидаги футболчиларимиз дастлабки учрашувни шанба куни «Тобол»га қарши ўтказадилар. Маълумотларга кўра, айнан ана шу учрашув Россиянинг «Мир» телеканали орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилади. 16 январь куни ҳамюртларимиз «Сконто»га рўбарў бўлсалар, эртасига «Мика» билан куч синашадилар.

«Ҳамдўстлик кубоги-2011»нинг ғолиб ва совриндорлари 24 январь куни аниқланади.

## ЭНДИ «MERCEDES»ЛАР ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛМАЙДИ

Пойтахтимизда «Daimler AG» (Германия) компанияси ҳамда «Ўзавтосаноат» ДАК ташаббуси билан ташкил этилган қўшма корхонада «Mercedes-Benz» автобуслари йиғиладиган бўлди.

Mg.uz сайтида хабар қилинишича, Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фойдаланилмаётган ҳудудида ташкил этилган мазкур корхона цехларида шаҳар ва шаҳарлараро йўналишларда қатнайдиган, шунингдек, сайёҳлик автобус русумлари ҳамда мидибуслар ишлаб чиқарилади. Низом жамғармаси 8 миллион АҚШ долларини ташкил этган янги корхонада апрель-май ойларида йилига Евро-3 меъёрларига жавоб берадиган 600 донага яқин автобус йиғилади. Ўзаро келишувга мувофиқ, «Ўзавтосаноат» корхонани ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминласа, «Daimler Buses» автобус шассиларини етказиб беради. Кузовлар эса «Mercedes-Benz» товар белгисининг кўпйиллик ҳамкори — «Manufacturing Commercial Vehicles» компанияси билан биргаликда ишлаб чиқарилади.





# Дастлабки вазифа уддаланди!

## КЕЧА ҚУВАЙТЛИК РАҚИБЛАРИНИ 2:1 ҲИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ОСИЁ КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИНИНГ ЧОРАК ФИНАЛ ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ

2011 йилнинг 7 январи. Ушбу сана ўзбекистонлик футбол мухлислари ёдида анча вақтгача сақланиб қолиши аниқ. Зеро, айнан шу куни ҳамюртларимиз қитъа кубоги баҳсларининг илк учрашувида мезбон терма жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдириб, мусобақадаги дастлабки шов-шувли натижани қайд этишди.

Аҳамиятли томони шундаки, узоқ вақт кутилган ушбу ғалаба термамиз ўзига хос босим остида қолган пайтда, яъни аксарият ишқибозлар ва мутахассислар «дидига ўтирмаган» янги бош мураббий, Вадим Абрамов таркибда ҳамда тактикада кўпчилик кутмаган ўзгаришларни амалга оширган пайтда қўлга киритилди. Энг муҳими, кубок баҳслари арафасида терма жамоанинг барча аъзоларига миллий мадҳияни ёдлаттирган, шунингдек, майдон марказида ўйнайдиган Одил Аҳмедовни ҳимоя чизиғига, ҳужумчи Максим Шацкихни эса яримҳимояга «кўчирган», хуллас, жамоада янгилик яратишга ҳаракат қилган Абрамов ва унинг шогирдлари очилиш ўйинининг жозибали ва томошабоп ўтишини таъминлашди. Термамизнинг мусобақадаги дастлабки ғалабасига батафсилроқ тўхталар эканмиз, ушбу ютуқда рақиб дарвозасини жуда чиройли тарзда нишонга олган О.Аҳмедов ҳамда Жанубий Кореяда анча тажриба тўплай олганини исботлаган Сервер Жепаровдан ташқари, қатарлик футболчилар томонидан уюштирилган кўплаб ҳужумларни бартараф этган ҳимоячиларимиз — Саҳоб Жўраев ва Анзур Исмоиловнинг, чап қанот орқали ажойиб рейдлар уюштириб, кўпчиликда катта таассурот қолдирган Жасур Ҳасановнинг, ўйин давомида амалга оширилган хавфли зарбалари билан бир неча маротаба рақиб дарвозабонини довдиратиб қўйган Александр Гейнрихнинг, ўз навбатида, майдонда тўп сурган йигитларимизни тинимсиз равишда қўллаб-қувватлаб турган мухлисларнинг ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш жоиз.

Очилиш маросимининг эртаси куни гуруҳдошларимиз — Хитой ва Кувайт терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувда ҳам 2:0 ҳисоби қайд этилган бўлса-да, мазкур баҳс Қатар-Ўзбекистон учрашувига нисбатан анча зерикарли ўтди. Қолаверса, натижа ўйинга яраша бўлмади.

«В» гуруҳидан ўрин олган жамоалар иштирокидаги дастлабки икки ўйин ҳам кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Хусусан, ФИФА рейтингининг кучли ўттизталигига кирган Япония термаси учрашувнинг сўнгги дақиқаларидагина ўртамиёна рақиб — Иордания дарвозасига тўп киритиб, шармандали мағлубиятдан аранг қутулиб қолган бўлса, «Саҳро ўғлонлари», яъни Саудия Арабистони терма жамоаси кутилмаганда сурияликларга имкониятни бой бериб қўйди. Оқибатда Қироллик футболи федерацияси ўша заҳоти термани бошқариб бораётган португалиялик мураббий Жозе Пезейруни истеъфога чиқаришга қарор қилди.

Австралия, Баҳрайн, Ҳиндистон ва Жанубий Корея термалари ўрин олган «С» гуруҳида эса, аксинча, кучлилар ғалаба қозонди: «Яшил қитъа» вакиллари ўз вақтида миллий терма жамоамизни бошқарган Боб Хоутон мураббийлигидаги Ҳиндистонни йирик ҳисобда доғда қолдирган бўлсалар, корейслар Баҳрайнга қарши учрашувда, гарчи ўйин охирларида ўн киши бўлиб ўйнаган бўлсалар-да, қимматли ғалабани сақлаб қола олдилар.

Турнирнинг энг кучли «тўртлиги» жойлашган «D» гуруҳида ҳам кутилган натижалар қайд этилди. Хусусан, деярли бир хил кучга эга рақиблар — БАА ва КХДР термалари ўртасидаги беллашув «қуруқ» дуранг билан якунланган бўлса, ҳамюртимиз Равшан Ирматов томонидан бошқарилган Ироқ-Эрон учрашуви давомида иродаларини намойиш этган форсларнинг қўли баланд келди. Ҳисоб — 1:2.

2-турни очиб берган Ўзбекистон-Кувайт учрашуви яқинда Кўрфаз кубоги ғолиблигини қўлга киритган араб футболи вакиллари устунлиги остида бошланган бўлса-да, биринчи бўлимнинг ўрталарида вазият тенглашди. Ҳисоб эса 40-дақиқада М.Шацких томонидан амалга оширилган жарима тўпидан сўнг очилди. Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқаларида Кувайт терма жамоаси етакчиси Бадр Ал Мутва баҳрайнлик ҳакам, аниқроғи, унинг йўқ жойдан белгиланган пенальтиси ёрдамида ҳисобни тенглаштирди. Шундай бўлса-да, кўп ўтмай ҳақиқат қарор топди. Захирадан туширилган Ж.Ҳасанов томонидан оширилган тўпни тўхтатмасдан рақиб дарвозасига жойлаб қўйган С.Жепаров учрашув қаҳрамонига айланди. Натижада Ўзбекистон термаси мусобақада «плей-офф» йўлланмаси масаласини муддатидан аввал ҳал қилган биринчи жамоага айланди.

## A

| | | | | | Ю | Д | М | Т-Н | О | Ў |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. ХИТОЙ | | 2:0 | | | | | | | | |
| 2. ҚУВАЙТ | 0:2 | | | 1:2 | | | | | | |
| 3. ҚАТАР | | | | 0:2 | | | | | | |
| 4. ЎЗБЕКИСТОН | | 2:1 | 2:0 | | | | | | | |

| Сана | Вақт | Учрашув | Стадион |
|---|---|---|---|
| 07.01.2011 | 21:15 | Қатар — **ЎЗБЕКИСТОН** 0:2 | «Халифа». |
| 08.01.2011 | 18:15 | Кувайт — Хитой 0:2 | «Ал Ғарафа». |
| 12.01.2011 | 18:15 | **ЎЗБЕКИСТОН** — Кувайт 2:1 | «Ал Ғарафа». |
| 12.01.2011 | 21:15 | Хитой — Қатар 0:2 | «Халифа». |
| 16.01.2011 | 21:15 | Қатар — Кувайт | «Халифа». |
| 16.01.2011 | 21:15 | Хитой-**ЎЗБЕКИСТОН** | «Ал Ғарафа». |

## B

| | | | | | Ю | Д | М | Т-Н | О | Ў |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. ЯПОНИЯ | | 1:1 | | | | | | | | |
| 6. ИОРДАНИЯ | 1:1 | | | | | | | | | |
| 7. С.АРАБИСТОНИ | | | | 1:2 | | | | | | |
| 8. СУРИЯ | | | 2:1 | | | | | | | |

| Сана | Вақт | Учрашув | Стадион |
|---|---|---|---|
| 09.01.2011 | 18:15 | Япония — Иордания 1:1 | «Қатар Спортс». |
| 09.01.2011 | 21:15 | С.Арабистони — Сурия 1:2 | «Ал Райян». |
| 13.01.2011 | 18:15 | Иордания — С.Арабистони | «Ал Райян». |
| 13.01.2011 | 21:15 | Сурия — Япония | «Қатар Спортс». |
| 17.01.2011 | 18:15 | С.Арабистони — Япония | «Ал Райян». |
| 17.01.2011 | 18:15 | Иордания — Сурия | «Қатар Спортс». |

## C

| | | | | | Ю | Д | М | Т-Н | О | Ў |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9. АВСТРАЛИЯ | | | 4:0 | | | | | | | |
| 10. БАҲРАЙН | | | | 1:2 | | | | | | |
| 11. ҲИНДИСТОН | 0:4 | | | | | | | | | |
| 12. Ж.КОРЕЯ | | 2:1 | | | | | | | | |

| Сана | Вақт | Учрашув | Стадион |
|---|---|---|---|
| 10.01.2011 | 18:15 | Ҳиндистон — Австралия 0:4 | «Ал Садд». |
| 10.01.2011 | 21:15 | Ж.Корея — Баҳрайн 2:1 | «Ал Ғарафа». |
| 14.01.2011 | 18:15 | Австралия — Ж.Корея | «Ал Ғарафа». |
| 14.01.2011 | 21:15 | Баҳрайн — Ҳиндистон | «Ал Садд». |
| 18.01.2011 | 18:15 | Ж.Корея — Ҳиндистон | «Ал Ғарафа». |
| 18.01.2011 | 18:15 | Австралия — Баҳрайн | «Ал Садд». |

## D

| | | | | | Ю | Д | М | Т-Н | О | Ў |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13. КХДР | | | | 0:0 | | | | | | |
| 14. ЭРОН | | | 2:1 | | | | | | | |
| 15. ИРОҚ | | 1:2 | | | | | | | | |
| 16. БАА | 0:0 | | | | | | | | | |

| Сана | Вақт | Учрашув | Стадион |
|---|---|---|---|
| 11.01.2011 | 18:15 | КХДР — БАА 0:0 | «Қатар Спортс». |
| 11.01.2011 | 21:15 | Ироқ — Эрон 1:2 | «Ал Райян». |
| 15.01.2011 | 18:15 | Эрон — КХДР | «Қатар Спортс». |
| 15.01.2011 | 21:15 | БАА — Ироқ | «Ал Райян». |
| 19.01.2011 | 21:15 | Ироқ — КХДР | «Ал Райян». |
| 19.01.2011 | 21:15 | БАА — Эрон | «Қатар Спортс». |

**«Плей-офф» беллашувлари**
**1/4 финал**

| Сана | Вақт | Учрашув | Стадион |
|---|---|---|---|
| 21.01.2011 | 18:25 | «В» гуруҳи ғолиби-«А»2 | «Ал Ғарафа». |
| 21.01.2011 | 21:25 | «А» гуруҳи ғолиби-«В»2 | «Халифа». |
| 22.01.2011 | 18:25 | «С» гуруҳи ғолиби-«D»2 | «Ал Садд». |
| 22.01.2011 | 21:25 | «D» гуруҳи ғолиби-«С»2 | «Қатар Спортс». |
| 25.01.2011 | 18:25 | **1/2 финал** | «Ал Ғарафа». |
| 25.01.2011 | 21:25 | | «Халифа». |
| 28.01.2011 | 20:00 | **3-ўрин учун** | «Ал Саад». |
| 29.01.2011 | 20:00 | **ФИНАЛ** | «Халифа». |



## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ МАРКАГА КЎЧДИ

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «7-қишки Осиё ўйинлари» деб номланган почта маркалари муомалага чиқарилди.

Жорий йилнинг 30 январь-6 февраль кунлари Астана ва Алмати шаҳарларида бўлиб ўтадиган мусобақаларга бағишланган маркаларнинг бирида фигурали учиш спорти вакили, иккинчисида эса фристайлчининг сурати акс эттирилган.

Маълумотларга кўра, спортнинг конькида югуриш, фигурали учиш, шайбали ва тўпли хоккей, чанғили пойгалар, биатлон, фристайл, шорт-трек, трамплиндан сакраш каби 11 тури бўйича ўтказиладиган мазкур ўйинларда қитъанинг 30 дан ортиқ мамлакати вакиллари иштирок этади.




Янги йил кириши билан ҳақиқий қиш бошланган бўлса, ажаб эмас. Чунки ҳаво тобора совиб, қор ёға бошлади.

Олинган маълумотларга қараганда, кутилаётган ҳафтада мамлакатимизнинг баъзи минтақаларида ҳавонинг ҳарорати кечалари ҳатто −13 даражагача тушиб кетади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 5-12 даража совуқ, кундузи −1-+4 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида термометр тунда 1-6 нолдан паст, кундузи эса −1-+7 даражани кўрсатади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечалари −5-+1, кундуз кунлари 2-8 даражагача исиши кутилмоқда.

Фарғона водийси вилоятларида тунда 6-11 даража совуқ, кундузи −2-+3 даража об-ҳаво кузатилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тунлари 2-7 даража совуқ, кундуз кунлари эса 2-6 даража илиқ ҳарорат қайд этилади.

Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 0-4 даража совуқ, кундузи −1-+4 даража об-ҳаво кутилмоқда.

AGROBANK

Қадрли тадбиркор ва ишбилармонлар!

ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2011 ЙИЛНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА БАРЧА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ, ЖУМЛАДАН, ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ.

Шу муносабат билан **«Агробанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки** ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги илғор ғояларни, пухта ишланган аниқ мақсадли бизнес режаларни ўзаро энг қулай шартларда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр. «Агробанк»нинг исталган шаҳар ва туман филиалларига мурожаат қилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйинг ва омадингизни яна бир карра синаб кўринг ҳамда муваффақиятларга эришинг.

***Банк марказий аппаратидаги қуйидаги «Ишонч телефон»лари сизнинг хизматингизга тайёр. Ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга тааллуқли масалалар бўйича мурожаат қилинг!***

| | | |
|---|---|---|
| Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси | — | (8-371) 150-53-58 |
| Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси | — | (8-371) 150-85-23 |
| Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси | — | (8-371) 150-53-93 |
| Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси | — | (8-371) 150-85-18 |

*«Агробанк» юртимиз тараққиёти ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчидир.*

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Қуйичирчиқ тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Эркин Турагаловга волидаи муҳтарамаси **Тамара ТУРАГАЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.